Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 12 август 1973 йил, якшанба ● № 189 (15.663). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети капитал маблағлар самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муддатларини қисқартириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленумининг кўрсатмаларини бажариш соҳасида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қандай иш олиб бораётганлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда бундай деб таъкидланади: КПСС XXIV съезди ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорлари асосида мамлакатда мелиорациялашнинг партия ишлаб чиққан кенг программаси амалга оширилмоқда. Марказий Комитетнинг 1966 йил май Пленумидан кейин ўтган вақт ичида 7,1 миллион гектар янги суғориладиган ва захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилди, сув хўжалиги ташкилотларининг қуввати 2,5 баравар ошди. Қурилиш индустриясининг йирик корхоналари барпо этилди. Мелиорация машиналари парки икки баравар кўпайди. Ҳозир сув хўжалиги ташкилотларида бир миллиондан ортиқ ишчи ва мутахассис ишлаб турибди. 1973 йилда мелиорация ишларининг суръати анча ортади.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш жадаллаштириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми кўрсатмаларини бажариш юзасидан муайян иш қилмоқдалар. Капитал маблағларни қурилиши сурилган объектларга тўплаш мақсадида янгидан бошлаб юборилдиган қурилишлар сони анча қисқартирилди. Қуруқчилик ғаллакор районларида, айниқса Поволжьеда мелиорация ишлари кучайтириб юборилди, пахта етиштириш учун суғориш системалари, шоли инженерлик системаларини қуриш ва суғориладиган, ўт экиладиган яйловлар барпо этиш суръатлари жадаллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети таъкидлаб ўтдики, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги капитал қурилиш самарадорлигини ошириш имкониятларидан ҳали ҳам тўла даражада фойдаланмаяпти. Министрлик коллегияси ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга туширишни жадаллаштириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг талабларини бажариш юзасидан тегишли ташкилотчилик ишини кучайтириб юборгани йўқ. Маблағларни ва моддий ресурсларни кўпдан-кўп объектларга сочиб юборишга ҳали ҳам йўл қўйилмоқда, чала қурилишлар сони кўпайиб бормоқда. Энг муҳим қурилишларда қурилиш ишларини ташкил этиш даражасини оширишга эътибор берилмаяпти. Бир қанча объектларни қуриш ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Ишга туширилиадиган қурилишларда иш сust ташкил қилинмоқда. Ишлаб чиқариш базасини барпо этиш орқада қолмоқда.

Министрлик янги суғориладиган ва захи қочирилган ерларни йил охирида топширишдан иборат нотўғри практикани бартараф қилишга эришгани йўқ. Бу — штурмчиликка, кўпинча эса объектларни чалалигича топширишга олиб келади. Мелиорация ишларининг сифати паст бўлиши ҳолларига барҳам берилгани йўқ. Қурилишда ишларнинг комплекс бўлиши таъминланмаётир, қурилиш ишларини ниҳоясига етказиш билан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун ердан фойдаланиш ўртасида узилишга йўл қўйилмоқда. Лойиҳалашда хато ва янглишишларга йўл қўйилмоқда.

Кўпгина сув хўжалиги ташкилотларида меҳнат маданиятини ошириш учун, бинокорлик материалларини тежаш ва асосий фондлардан олинадиган самарани кўпайтириш учун тегишли кураш олиб бориш ташкил қилинмаган. Техникадан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор, техника тараққиёти ютуқлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методлари секин жорий қилинмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига ва мелиорация қурилишида сифат кўрсаткичларини яхшилашга тўғоноқ бўлмоқда. Қурилишни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаяпти. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш, қурилиш ташкилотларини ихтисослаштириш ва майда бўлинмаларни йириклаштириш иши сust олиб борилмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерлардан ҳали ҳам ёмон фойдаланишга йўл қўймоқдалар. Баъзи колхоз ва совхозлар ана шу ерлардан кам ҳосил олаётганликларига кўпинча тоқат қилиб келмоқдалар. Ўзлаштириш учун давлат кўплаб маблағ сарфлаётган мелиорация қилинган ерлардан бундай фойдаланиш, деб таъкидланади қарорда, исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас.

(Давоми иккинчи бетда).

Механизаторлар мусобақаси

МАШИНА — ҚАНОТИМИЗ

Сирдарёлик машҳур механизатор Аҳмаджон Валиевнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган механизаторлар мусобақасини кучайтириш ҳақида ғоя мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Мақолада айтилган фикрларга тўла қўшиламиз. Биз қишлоқда марказий фигура деб аталмиш механизатормиз, ҳалол меҳнат билан касбимизни шарафлашимиз керак. Бу йил республикамиз 4 миллион 750 минг тонна пахта тайёрлайди. Шундан камида 2 миллион 500 минг тоннасини механизаторларимиз «зангори кема»ларда териб беришлари керак. Бу бир киши ёки бир группа кишиларнинг қўлидан келадиган иш эмас. Ҳаммамиз баравар ҳаракат қилсак, машиналаримиз тинимсиз ишлатилса, теримчилар ҳам ўз вазифаларини чин юракдан ўтасалар юк енгил кўчади, манзилга тез етамиз, план ва мажбуриятларимизни бажариб, қон-қардош халқлар олдидаги интернационал бурчимизни ўтаймиз.

Республикамизнинг улкан хирмонига районимиз бўйича 70 минг тонна, совхозимиз бўйича 10 минг тонна пахта тайёрлаш билан муносиб ҳисса қўшамиз. Халқимизда «От олишдан олдин яхши ният билан қозиқ қоқ» деган нақл бор. Пахта терими ҳақида гап юритишдан олдин ҳар бир бригада, бўлимда, қоларверса, совхозимиз бўйича юқори ҳосил етиштиришимиз керак. Ҳосил тақдири учун кураш биз, механизаторларнинг муқаддас бурчимизидир.

Совхозимиз бўйича ҳамма майдонларда тўрт марта узунасига, икки марта кўндалангига чуқур культивация ўтказдик, бегона ўтларни бутунлай йўқотдик. Ғўзалар вақтида озиқлантирилиши, суғорилиши туфайли серҳосил ўсяпти. Ҳозирги кунгача ҳар туп ғўзада ўртача 4-5 та бўлиқ кўсак бунёдга келди. Аҳмаджон Вафоев, Муҳаммаджон Атоев, Гадойбой Исломовлар бошчилик қилаётган бўлимларнинг ғўзалари айниқса серҳосилдир, гектаридан 35-36 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш кўзда тутилмоқда. Шуни айтиш керакки, мўл ҳосил нишоналари халқ меҳнати, техника шарофати, ўғит қудрати билан бунёдга келтириляпти, терим ҳам машиналар воситасида қисқа вақтда ўтказилади.

Ғўза парваришида зарбдор 50 кунлик эълон қилгандик. Шу даврда бирорта машина пайкалдан четга чиқарилмайди, аксинча, совхозимиз бўйича яна учта универсални ремонт қилиб ишга туширдик. Ҳар туп ғўзада 24-25 та бўлиқ кўсак етиштирамиз! Шиоримиз ана шундай. Бунга бемалол эриша оламиз. Чунки биринчи класс машиналарга эгамиз. Куч-қувватимиз, билим-тажрибамизни пахтадан юқори ҳосил етиштиришга сарфлаймиз, деганмиз. Ҳар биримиз зарбдор эллик кунлик давомида ҳар куни икки-уч кишининг ишини бажариб борсак, маррага сира толиқмай етамиз. Мен шу даврда ўзим хизмат қилаётган бригада пахтазорларида уч марта культивация ўтказиш мажбуриятини олдим. Ишда сифатга алоҳида эътибор беряпман. Ҳосил нишоналарини тўкиб юбормаслиги, ғўзаларнинг шохини синдирмаслиги учун агрегатнинг иш органларига тўсиқлар ўрнатдим. Ҳар куни 8-10 гектар ердаги ғўзаларга ишлов берямман.

Бугун ҳар биримиз ўзимизга: «қуза қўтариладиган катта пахта хирмонига шу кунгача қандай ҳисса қўшдик, зарбдор эллик кунда яна қандай ҳисса қўшамиз?», деган саволни беришимиз, режани аниқ олиб, ҳалол меҳнат қилишимиз керак. Деҳқончилик илми ғўзаларга чиритилган гўнг, қўй қийи беришни тақозо этмоқда, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш вазифасини қўймоқда. Бу ишларни биз механизаторлар тезкорлик билан бажаришимиз лозим.

Сирдарёлик механизатор шу кунинг муҳим вазифаси ғўза парваришини сира сусайтирмаган ҳолда, пахта йиғим-теримига техникани шайлаб қўйишдан иборат деб, жуда тўғри гапни айтди. Ҳар биримиз ўз «зангори кема»мизни ҳозир тайёрлаб қўймасак, кейин кечикамиз, иш тигизлашиб, кўзлаган мақсадга эриша олмай қоламиз. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳамма механизаторлар ўз бурчини шараф билан ўтагандагина 2 миллион 500 минг тонналик машинада терилган пахта бунталарига галаба байроғи тикилади. Мен машинамни ремонтдан чиқариб, синовдан ўтказиб қўйдим, мавсумда 400 тонна пахта териш мажбуриятини оламан. Ҳамкасбларимдан Салимбой Шарипов, Карам Султонов, Норназар Норов, Манзура Сайфиева, Турсуной Норхоновалар ҳам ўз зиммаларига конкрет мажбурият олиб, пахта далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Аҳмаджон ҲАМРОЕВ,
Бухоро область Ромитан районидаги «Ромитан» совхозининг механизатори, Ленин ордени кавалери.

БУГУН — ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

Республикамиз пойтахти Тошкент шонли қурувчиларимизнинг шижоати билан кундан-кунга кўркам ва гўзал қиёфа олмоқда. Суратда: (чапдан) пойтахтдаги 159-қурилиш трестига қарашли 13-қурилиш бошқармасининг бинокорларидан В. Купцов, К. Дадақўзиев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

БИНОКОР — БУНЁДКОР

Бугун — қишнинг аччиқ совуғи ва ёзнинг жазирамасини писанд қилмай кўплаб уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар, улкан корхоналар ва бошқа заруриморатлар барпо этаётган олий ҳиммат қурувчилар байрами! Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Н. Саъдуллаев Ўзбекистон ССР Давлат План Комитети қурилиш ва бинокорлик индустрияси бўлими бошлигининг ўринбосари Е. М. Каменецкийга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Республикамиз бинокорлари Бутуниттифоқ қурувчилари мусобақасида қандай ютуқларни қўлга киритяптилар?

— Бепоён мамлакатимиз катта қурилиш майдонига айланган. Ҳамма ерда кенг кўламда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Янги-янги корхоналар, электр станциялари барпо этиляпти. Темир йўл ва автомобиль магистраллари очиляпти. Йайдоқ даштларда бутун бошли шаҳарлар қад кўтармоқда. Уй-жойлар, мактаблар, корхоналар, даволаш муассасалари, маданий-маиший ва маъмурий бинолар қуриляпти. Уларни тезроқ фойдаланишга топшириш учун курашаётган бинокорлар ўз байрамларини катта меҳнат зафарлари билан кутиб оляптилар.

Жаҳондаги ҳар қандай бошқа давлатга қараганда Совет Иттифоқида қурилиш бир неча баравар кўп. Ҳар йил Ватанимиз ҳаритасида 20 та янги шаҳар ва ишчи посёлкалари пайдо бўлмоқда, ҳар куни бир-иккита катта саноат корхонаси ёки объектлари фойдаланишга топширилмоқда, «қурилиш конвейери»дан ҳар куни 9,5 мингтага яқин квартира тайёр бўлиб чиқмоқда.

Совет Иттифоқи энг кўп янги уй-жой қурилаётган мамлакат ҳисобланади. Уй-жой қурилишининг кўлами жиҳатидан мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринни олиб турибди. Беш йиллик ичида умумий саҳни 580 миллион квадрат метр уй-жой бинолари (шундан 117,6 миллион квадрат метри бу йил) фойдаланишга топширилиши керак. 1973 йилнинг охирига бориб шаҳар аҳолисининг уй-жой майдони билан ўртача таъминланиши 11,6 квадрат метрга етказилади.

Бинокорлик ишида қўл меҳнати ўрнини машина-механизмлар тобора кўпроқ эгаллаб боряпти. Иморатларнинг қисмларини заводнинг ўзида тайёрлаб, уни қурилиш майдонларида йиғиб тиклаш кенгаймоқда. Ўзбекистон ҳавозаларида ҳам қурилиш ишлари айниқса тезкор усулларда давом эттирилаётир. Мамлакатимизда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми йил сайин ортиб борган сари республикамизда ҳам ўртача юксалиш 7 процентдан кўпроқни ташкил этяпти. Бу — серқуёш диёримиз бинокорларининг қадди республикалардаги ҳамкасблари мусобақасида олдинги safda бораётганидан дарак беради.

— Бинокорлик ишлаб чиқариш базалари қувватини ошириш соҳасида қандай ишлар қилиняпти?

— Қурилиш ва бинокорлик индустриясидаги юксалиш республика бинокорлари ва қурилиш материаллари саноати корхоналаридан ишлаб чиқариш базалари қувватини яна ҳам оширишни тақозо этяпти.

Илгари биронта ҳам бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқарадиган корхонага эга бўлмаган республикамизда энди ликда энг мураккаб ва прогрессив бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг ҳаммаси саноат, уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишини йиғма усулда олиб боришни тезлаштиришга ва индустриалаштириш даражасини оширишга ёрдам беряпти. Республика қурилиш индустриясининг корхоналари бу йил 3 миллион 300 минг куб метр йиғма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаради. Бу, 1970 йилдагидан ярим миллион куб метр кўпдир.

Сўнгги йиллар ичида республикамиз бинокорлик ташкилотлари бир қанча қурилиш материаллари корхоналарини барпо қилдилар. Жумладан, йилига 165 минг куб метр йиғма темир-бетон, 290 минг куб метр керамзит, 100-101 миллион дона пишиқ ғишт, 2100 куб метр ёрдамчи материаллар тайёрлайдиган корхоналар, 1 миллион 700 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган комбинатлар ва бошқа ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Бекобод қум-шағал карьерида 1 миллион 700 минг тонна маҳсулот берадиган участкалар. Бухородаги Қизилтепа, Тошкент шаҳридаги Ялангоч массивларида 100-101 миллион дона ғишт тайёрлайдиган заводлар, шунингдек, Фарғона, Самарқанд ва Олмаликда ҳам бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

— Республикамиз саноати қудратини оширишда муҳим роль ўйновчи қандай объектлар қуриляпти?

— Ҳозир ҳар бир кварталда олтинчи беш йиллик давридаги бир йиллик қурилиш ишларини уддалаяпмиз. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурилиш картасида ҳар куни бир ўгариш, бир янгилик бўляпти, десак муболаға бўлмайди. Тўқкизинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида қурувчиларимиз катта ишларни бажардилар. Қатор йирик объектлар ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСининг биринчи энергетика блоки, Чорвоқ ГЭСи, 408 километрлик Қўнғирот — Бейнов темир йўли, Қаршида Ульяновск канали, Туямўйин гидроузелининг биринчи навбати, Бухорода Кармана гидроузели, Наманганда автоматлашган пиллакашлик фабрикаси барпо этилди. Тошкент трактор, Фарғона нефтни қайта ишлаш, Самарқанд лифтсозлик заводларида янги қувватлар ишга туширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз бу соҳада ҳали янги-янги марраларни кўзлаб турибмиз. Бу йил кўплаб саноат корхоналари фойдаланишга топширилади. Жумладан, Андижон сув омбори, Сирдарё ГРЭСининг иккинчи энергетика блоки, Навоий цемент заводи, Самарқандда уй-рўзғор холодильниклари заводи, Тошкент чинни заводининг янги навбати, Бухоро ип-газлама комбинати, Гулистон тиқувчилик фабрикаси, Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати, Фарғона картон-рубероид заводи ва Наманган шойи тўқув фабрикаларида янги қувватлар, Қўқон хром-чарм заводлари ишга туширилади.

— Ўзбекистон бинокорлари ўз байрамларига қандай совғалар билан келишди?

— Сўзи билан иши бир бинокорларимиз шу йилнинг етти ойида анчагина ютуқларни қўлга киритдилар. Қурилиш-монтаж ишлари плани ошириб бажарилди. Ёки ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 116 миллион сўмлик кўп иш қилинди.

Қатор қурилиш корхоналари муддатидан илгари ишга тушириллди. Бекобод қум-шағал карьери, Чирчиқ шиша заводи, Андижон областининг Ленинск шаҳридаги ун комбинати, Жиззахда чорва озуқалари тайёрлайдиган комбинат, Қаршидаги катта тегирмон каби улкан объектлар дастлабки маҳсулотини бера бошлади.

— Беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётган илғор бинокорлар ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз?

— Ҳа, улар ҳақида алоҳида фахр билан гапириш керак. Наманганлик машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Воҳидовнинг ватанпарварлик ташаббуси республика қурилиш майдонларида кенг қўллаб-қувватланяпти. Самарқанддаги 150-қурилиш трестининг донгдор қурувчиси, Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери Шукри Осмонов, унинг мусобақадоши Виктор Полешукларни бугунги кунда биринчи злобиччилар деб аташмоқда. Улар бошқараётган комплекс бригадалар уй-жой биноларини тиклашда намуна кўрсатяпти.

Кўплаб қурилиш трестлари ва бригадаларида ишни тубдан яхшилашга ёрдам берадиган Злобин методи кенг ёйилмоқда. Бугунгача фақат республика Қурилиш министрлигидан 47 та бинокорлик бригадаси злобинчасига меҳнат қилаётир. Шу йилнинг биринчи ярмида бу бригадаларнинг ҳар бирида 6 миллион сўмликкача иш бажарилди.

Бинокорлик — қийин, аммо шарафли касб. Қурилиш ҳавозаларида мардона меҳнат қилаётган бинокорларни байрам билан қутлаймиз ва уларнинг ишларида янги, катта муваффақиятлар тилаймиз.

МУНОСИБ СОВҒА

«Главташкентстрой» коллективи республика қурилиш министрликлари ва идораларининг капитал қурилиш планларини ошириб бажариш ҳамда объектларни ва ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олдин ишга тушириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришди. Бу коллектив шу йилнинг иккинчи кварталида қурилиш-монтаж ишлари планини 101,4 процент, уй-жойларни фойдаланишга топшириш топшириғини 145,7 процент, мактаб ва касалхоналарни фойдаланишга топшириш планини 100 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойда олиш топшириқлари ҳам ошириб адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ҳамда Ўзбекистон Касаба союзлари республика советининг қарорига мувофиқ, «Главташкентстрой» коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ҳамда Ўзбекистон Касаба союзлари республика советининг кўчма Қизил байроғи берилдиган ва пул мукофоти топширилдиган бўлди.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

10 августда Тошкентда бинокорлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. «Главташкентстрой» бошлиғи Г. М. Саркисов шонли сана тўғрисида доклад қилди. Йиғилиш қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ЧЕКАНКА ТУГАДИ

Сирдарё области хўжаликларида ғўзани чеканка қилиш Ўзбекистондаги бошқа областларга қараганда барвақт тугалланди. Юқори унумли чеканка машиналарини кенг қўллаш сермеҳнат ишни тезроқ тугатишга ёрдам берди. Областдаги барча 232 минг гектар пахта майдонининг қарийб икки юз минг гектарида ғўза механизмлар ёрдамида чеканка қилинди.

Л. И. БРЕЖНЕВ А. Ф. ИСМОИЛ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Яман Халқ Демократик Республикаси Миллий Фронти Марказий Комитетининг Бош секретари Абдил Фаттоҳ Исмоилни 10 августда қабул қилди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев қатнашди.

Ўртоқларча самимий вазиятда ўтган суҳбатда Совет Иттифоқи билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, КПСС билан Миллий фронт ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ҳозирги халқаро аҳвол ҳақида, Яқин Шарқдаги ва Эрон кўрфази районидаги вазият тўғрисида фикрлашиб олинди.

КПСС ва Совет ҳукумати араб халқларининг Яқин Шарқ можаросини Исроилнинг агрессор қўшинларини босиб олинган ҳамма араб территорияларидан олиб чиқиб кетиш, бу райондаги давлатлар ва халқларнинг мустақиллиги ва қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида бартараф қилиш йўлидаги ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Миллий фронт Марказий Комитетининг Бош секретари КПССнинг партия XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини амалга оширишга қаратилган тадбирларини қўллаб-қувватлаётганлигини айтди. У Л. И. Брежневнинг халқаро кескинликни юмшатишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга, халқларнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш ишига шахсан кўшган ҳиссасига юксак баҳо берди ва КПСС Марказий Комитети ҳамда Совет ҳукуматининг кейинги вақтларда ташқи сиёсат соҳасида амалга ошираётган йирик тадбирлари бутун жаҳон халқларининг, шу жумладан, курашаётган араб халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ишонч билдирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Совет Иттифоқининг янги ҳаёт қурилишида, ўз ватанининг суверенитети ва миллий «мустақиллигини ҳимоя қилишда Яман Халқ Демократик Республикасига ёрдам бериш йўли ўзгармас йўл эканлигини таъкидлади.

А. Ф. Исмоил Яман Халқ Демократик Республикасининг, бошқа араб халқларининг ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганлиги учун Жанубий Яман халқи номидан КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилди. У айтдики, КПСС билан Жанубий Яман Миллий фронти ўртасида партиявий алоқаларни ривожлантириш ва кучайтириш империализмга қарши, тинчлик, халқларнинг озодлиги ва социал тараққиёти учун курашнинг умумий мақсадлари йўлида совет ва Жанубий Яман халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги, КПСС билан Яман Халқ Демократик Республикаси Миллий фронти ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни янада ҳар томонлама ривожлантириш кераклигини таъкидладилар.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

БУХОРО, 11 август (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали**). Бу ерда область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилидаги юксак социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳал қилувчи йил социалистик мажбуриятларини сўзсиз тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталдилар.

Партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари областнинг барча колхозчилари, ва совхозларнинг ишчиларига, барча меҳнаткашларига қаратма мурожаатнома қабул қилдилар. Унда бу йил область меҳнаткашлари она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, шундан 225 минг тоннасини машиналарда терилишини таъминлаш зарурлиги таъкидланади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошқ биринчи бетда)

КПСС Марказий Комитети диққат-эътиборни шу варсага қаратдики, бир қанча областлар, ўлкалар ва республикаларда партия ташкилотлари сув хўжалиги ташкилотларининг Марказий Комитет 1972 йил декабрь Пленуми талабларини бажариш соҳасидаги фаолиятини етарли даражада контроль қилмаётирлар, қурилиш раҳбарларининг шахсий масъулиятини ва давлат интизомини етарли даражада оширмаётирлар, бинокорлар коллективларини планларни ўз вақтида бажаришга, қурилиш сифатини яхшилашга ва уни арзонлатиришга етарли даражада сафарбар қилмаётирлар, мелиорация қилинган ерларнинг ҳар бир гектаридан юксак самарали фойдаланиш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан зарур даражада талабчанлик қилмаётирлар.

КПСС Марказий Комитети СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига сув хўжалиги қурилишида мавжуд жиддий нуқсонларни тугатиш, бинокорлар коллективлари ва корхоналарнинг куч-ғайратини КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленумининг қарорларини изчиллик билан амалга оширишга, ерларни мелиорация қилиш юзасидан давлат планларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун ички имконият ва резервлардан анча тўлароқ фойдаланишга қаратиш вазифасини топширди.

Қурилиш муддатларини жиддий қисқартириш, капитал маблағлар ва моддий-техника ресурсларини ишга туширилаётган объектларга, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини тез фойдаланишга топшириш имкониятлари бўлган бошқа муддатга сурилган қурилишларга бундан буён ҳам тўплаш таъминлансин. Қурилиш ишларининг сифатқ яхшилансин ва мелиорация объектлари фақат гарантияланган паспорт билан фойдаланишга топширилишига эришилсин.

Колхоз ва совхозларда кичик мелиорация системалари ва иншоотларини қуриш учун маблағлардан самарали фойдаланилиши устидан контроль кучайтирилсин. Бунда ана шундай объектларнинг қурилиш одатда бир йил давомида тугаллашни зарурлиги назарда тутилсин.

Техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни, аввало, мелиорация ва қурилиш техникасидан, автомобиль транспортидан фойдаланишни анча яхшилаш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг прогрессив формаларини жорий этиш негизида меҳнат унумдорлигини ўстириш тадбирлари амалга оширилсин. Винокор кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, уларга тегишли маданий-маиший шароитлар яратиб бериш ва малакасини ошириш чоралари кўрилсин.

Мелиорация системаларини лойиҳалаш даражаси оширилсин, лойиҳаларда прогрессив техникавий ечимлардан, фан ютуқларидан, Ватан ва чет эл илғор тажрибаларидан янада кенг фойдаланилсин, токи қурилган системалар кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсин.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига мелиорация қурилишини бошқаришни янада такомиллаштириш, хўжалик раҳбарлиги органларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш мақсадида ортиқча бўғинларни тугатиш, қурилиш планларини бажариш ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун уларнинг оперативлигини, шунингдек масъулиятини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Қурилиш ташкилотларини йириклаштириш амалга оширилсин.

КПСС Марказий Комитети СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигидан ва уларнинг жойлардаги органларидан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан мелиорация қурилишини ерларни ўзлаштириш тадбирлари билан ягона комплексда амалга оширишни, қурилиш ишларини тугаллаш билан қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун ердан фойдаланиш ўртасида узилишга йўл қўймасликни талаб қилди, бунда мелиорация учун сарфланадиган маблағларнинг самарадорлигини оширишнинг гоят муҳим шарти деб ҳисоблайди. СССР Госплани, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ерларни мелиорациялаш ва уларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг бутун комплексини амалга ошириш учун зарур ресурсларни кўзда тутишлари лозим.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, маҳаллий совет органларига қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларига суғораладиган ва эҳтиёт қилинган ерларнинг ҳар бир гектаридан юксак самарали фойдаланишни таъминлаш, шу мақсадда ташкилий ва агротехника тадбирларининг комплексини амалга ошириш ҳамда мелиорация қилинган ерларда мўл ҳосил етиштириш учун колхоз ва совхоз раҳбарларининг масъулиятини ошириш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига сув хўжалиги қурилиши учун ишлаб чиқариш базаси объектларини қуришни тугаллаш ва ишга туширишни тадбирларини кўриш, саноат корхоналарининг вужудга келтирилган қувватларини тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаш вазифасини топширди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига, СССР Саноат қурилиши министрлигига, СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлигига, СССР Қурилиш министрлигига ерларни мелиорациялаш юзасидан пудрат ишлари белгиланган планларининг 1973 йилда сўзсиз бажарилиши учун қўшимча тадбирлари амалга ошириш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига сув хўжалиги ташкилотларининг иши устидан контролни кучайтириш, коллективларни партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажариш учун сафарбар қилиш юзасидан ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш вазифаси топширилди. Ишлаб чиқариш илғорларининг қимматли ишлари ва ташаббуслари ҳар тарафлама қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин, план ва мажбуриятларни муддатидан олдин тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани ташкил қилиш такомиллаштирилсин.

ТУҲФА

Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати қурилиши зарбдор суръатлар билан давом этяпти. «Олмалиқ тажрибаси» деб ном олган тезкорлик билан қуриш усули ҳозирги кунда корхона бунёдкорларининг «мулки» бўлиб қолди. Шу йилнинг ноябрь ойида ишга тушиши керак бўлган бу йирик объектда қал қилувчи йил социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйган. Корхона коллективи ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари топшириқларини 102,2 процент адо этиб, 4779 минг сўмлик иш бажарди.

Қурувчиларнинг меҳнатда эришган ютуқлари учун «Олмаликсвинецстрой» трести СССР Қурилиш министрлиги ва СССР касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи пул мукофоти билан тақдирланди.

Шу муносабат билан бу ерда катта митинг бўлиб ўтди. Митинг да қатнашган Иттифоқ Қурилиш министрлиги коллегиясининг аъзоси ўртоқ В. И. Шевнин илғор коллективни мукофот ва байрам билан қизғин табриклади.

Митингда социалистик мусобақа илғорлари сўзга чиқиб, ошириллган мажбуриятлар олишди.

Ҳ. УСМОНОВ.

БИЗ — ЧОРАК МИЛЛИАРДМИЗ!

Репортаж

Тингла, жаҳон! Инсоният тарихида янги, порлоқ саҳифаларни биринчи бўлиб очган, коммунизм пионери бўлган совет халқи бугун чорак миллиардга етди! 1973 йил 9 август ҳеч бир календарда бирор байрам сифатида қизил рангга бўяб қўйилмаган. Лекин худди мана шу кунни замондошларимиз ҳам, бахтиёр авлодларимиз ҳам қутлуғ воқеа сифатида эслаб юрадилар. Худди шу куни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг аҳолиси чорак миллиардга етди!

Ким билади дейсиз, мамлакатимиз аҳолиси ҳисобини миллионлаб эмас, миллиардлаб ўлчаш бахтига ким муяссар бўларкин? Ахир, мамлакатимиз дунёнинг нақ олтидан бир қисмига тенг, ниҳоятда бепоён! Шоир айтганидай, неча-неча дарёлар қўшилиб кумуш камар ҳосил қилганида ҳам улуғ диёримизнинг белига етмайди. Ахир, минутнига саккизтадан чақалоқ дунёга келиб, суткасига мамлакатимиз аҳолиси ўн икки минг кишига кўпайиб турган бир пайтда миллиард ҳисобини бошлаб берган мана бу чақалоқ деб кимни айта оламиз?!

— Ҳақиқатан ҳам бу мушкул масала, — дейди Ўзбекистон Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Маҳмудов. — Бини ҳатто кибернетика асрининг энг ҳисобдон машиналари ҳам ечиб беришга ожиз! Лекин баъзи бир рақамларни айтиб беришим мумкин. Шу йилга қадар аҳолининг ўсиши ҳақидаги маълумотлар ой сайин почта орқали юборилиб турарди. Энди бунга эҳтиёж қолмади. Янги йилдан бошлаб телеграф орқали хабар қилинмоқда. Бу ҳол мамлакатимизнинг юбиляр граждани дунёга келадиган кунни ҳатто соат ва минутигача аниқ айтиб беришга имкон туғдирди. Ушбу рақамларнинг маъзини чақиб кўринг-а: ўтган йили мамлакатимизда 4 миллион 404 минг жажжи гражданлар туғилди. Улар аҳолининг эркаклар ва аёллар орасидаги номутаносиблиқни тугатишга қаттиқ «бел боғлашганга ўхшайди. Туғилаётган ҳар юз қизалоққа юз тўрт ўғлон тўғри келмоқда.

— Тўққизинчи августда туғилган юбиляр чақалоқ Узбекистонимиздан бўлса ажаб эмас, — дея сўзини давом эттирди ўртоқ С. Маҳмудов. — Негаки, республикамизда туғилиш ниҳоятда кўп. Шу куни дунёга келган 584 ўғлон ва 556 қизалоқнинг бири чорак миллиардга нуқта қўйган бўлса не ажаб! Республикамиз аҳолиси серфарзанд, ували-жували, пирибадавлат. Салкам 25 минг аёлга «Қаҳрамон она» унвони берилган. Қариб икки миллион аёлларимизнинг кўксини «Оналик шуҳрати» ва «Оналик медали» безаб турибди. Уларга давлатимиз бир миллиард сўмдан кўпроқ нафақа берди. Республикамизда туғруқхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Шу ойнинг ўзидагина Олмалиқ, Навоий шаҳарлари, Ромитан ва узоқ Томди районларининг маркази янги чақалоқларнинг овозидан янграб кетгандай бўлди. Бу ерларда ишлаб турган туғруқхоналар ёнига янгилари қўшилди.

Яна икки юз эллик миллионинчи чақалоққа қайтайлик. Телефон абонентлари рўйхатини очиб, дуч келган туғруқхонага қўнғироқ қиламиз. Кимлигимизни айтишимиз биланоқ, «ҳеч иккиланмай бизнинг туғруқхонага келаверинглар, дунёга келган чақалоқларнинг туғилган соати-ю минутларини ёзиб қўйганмиз. Нақотки шулардан бири чорак миллиардга нуқта қўйган бўлиб чиқмаса», дейишади қўярда-қўймай. Корасарайдаги иккинчи туғруқхонанинг чақалоқлар бўлими бошлиғи Нелля Ҳамидовна Рафиқова бу кунга алоҳида тайёрлангани ва юбилей рақамли инсон худди у доялик қилаётган туғуруқхонадан бўлишини жуда-жуда истаётганлигини яширолмаётгани шундоқ овозидан билиниб турарди. Таваккал қилиб, фотомухбир билан ўша ерга йўл олдик:

— Юрагим айтиб турибди, мамлакатимизнинг икки юз эллик миллиониничи граждани бизда туғилган, — дейди Нелля Ҳамидовна. — Йил бошидан буён 2193 гўдакка доялик қилдим. Бугун еттита бола туғилди. Назаримда, Ёзувчилар союзида машинистка бўлиб ишлайдиган Озода Обидова мамлакатимизнинг юбиляр гражданини туққанга ўхшайди. Исмини Рустам қўйишди. Отаси — «Гидроводхоз» бўлими бошлиғи Турсун Обидовнинг оғзи қулоғида.

— Чамамда, Озодахонинг Рустамжони чорак миллиардга битта ҳамдек,—дейди ийманиб медицина ҳамшираси Дилором Шокирова. Рустамжондан беш минут ўтар-ўтмас дунёга келган қизим Ирода юбиляр эмасмикин?

Дилбар Умидова, Ирина Бершгейн ва шу куни кўзи ёриган қанчадан-қанча бахтиёр оналар бу гапни такрорлаши мумкин. Ҳа, уларга сизнинг фарзандингиз юбилей рақамига нуқта қўйган деб бемалол айта оламиз. Уларнинг ҳаммаси чорак миллиардли улуғ совет халқи оиласининг тенг ҳуқуқли аъзолари! Қувонинг, фахр. ланинг, сизларнинг норасида ўғил. дир, қиздир — фарзандларингиз чорак миллиардли улуғ оламизнинг эрка гражданларидир.

Энди мана бу рақамларга назар ташланг: биринчи марта аҳоли рўйхати ўтказилган 1897 йилда мамлакатимизнинг ҳозирги территориясида 124 миллион 600 минг киши яшаган. Чоракам бир асрдан сал кўпроқ вақт мобайнида Ватанимиз аҳолиси икки баравар кўпайди!

Мамлакатимиз аҳолисининг сони жиҳатидан дунёда учинчи ўринда турган экан, бу — социалистик тузуммизнинг қутлуғ шарофатидир. Ер юзи аҳолиси ҳар йили 50 миллион кишига кўпаётган экан, бунинг қарийб ўндан бир қисми бизнинг мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келмоқда. Бизда инсонинг бахт-саодатли турмуш кечириши учун ҳамма шароитлар муҳайё. Саломатлик посбонларини олиб қаранг. Ер юзидаги ҳар тўрт врачнинг бири бизнинг мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади. Барча врачларимизнинг тахминан 72 проценти хотин-қизлар. Хотин-қизлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, айниқса халқ маорифи, илм-фан, халққа хизмат кўрсатиш соҳалари, бошқарув аппаратида самарали меҳнат қилмоқдалар. Халқ хўжалигида ишлаб турган ишчи малакали мутахассисларнинг 52 проценти, ўрта махсус маълумотли ходимларнинг 63 проценти хотин-қизлардир. Уларнинг умумий меҳнат қилишлари ва болаларига намунали тарбия беришлари учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ҳисоби уч юз миллионга қараб кетмоқда. Бунга ўн йилми, ундан кўпроқ вақт керакми, бундан қатъий назар, ҳар бир янги меҳмоннинг — чақалоқнинг дунёга келиши янги жамият қурайтган совет халқи ҳаётида қувончли воқеа бўлиб қолаверади.

Қодир ХЎЖАЕВ.

Суратда: Озода Обидова, Тошкентдаги 2-туғруқхона акушерканси Г. А. Рябинкова, чақалоқлар бўлими мудири Н. Рафиқова янги меҳмон билан.

Н. Тўраев фотоси.

Харидорлар манфаати ЙЎЛИДА

Москва 10 августда СССР Савдо министрлиги коллегиясининг мажлиси бўлди.

Бунда СССР савдо министри А. И. Струев доклад қилди.

Мажлисда кўпгина савдо корхоналарининг ходимлари харидорларнинг эҳтиёжларини омилкорлик билан ўрганаётганликларини, уларнинг истакларини мол етказиб берувчи ташкилотларга тез маълум қилаётганликларини кўрсатадиган мисоллар келтирилди.

Қараб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров нутқ сўзлади.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети савдо ва маиший хизмат бўлимининг мудири Я. Н. Кабков қатнашди.

(ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ:

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида биоорганик химия бўлими ташкил этилди. Бу — республика фани штабининг 31-илмий тадқиқот муассасадир.

Янги бўлим фанининг энг муҳим йўналишларидан бирида табиий ва синтетик янги бирикмалар ҳосил қилиш, уларнинг ҳоссаларини ўрганиш ва шу бирикмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан алоқадор ишларни давом эттириш ва ривожлантириш мақсадида тузилди.

Пахта целлюлозасининг химия ва технологияси илмий тадқиқот институтидаги физиологик актив моддалар лабораториясида, Тошкент Давлат университети табиий бирикмалар химиясининг проблем лабораториясида ишлаётган бир қанча олимларнинг куч ва ғайрати биоорганик химия бўлимида бирлаштирилади. Бу коллективлар ўзи баргидан олма ва лимон кислотаси ажратиб олиш, синтетик жун бўлган нитрон ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган итакон кислотасини ишлаб чиқариш технологиясини яратиб бериш, самарали биостимуляторлар, бетон пластификаторлар ва медицинада ишлатилаётган бир қанча препаратлар ҳосил қилиш сингари катта ишларни бажарганлар.

Олимларнинг куч ва ғайратини бирлаштириш, янги бўлимга қарашли техника билан жуда яхши таъминланган саккизта лаборатория ва группалар тадқиқотлар тематикасини кенгайтиришга, бу ишларни чуқурлаштиришга имкон беради. Республиканинг асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган ғўза олимларнинг ҳар доим диққат марказида туради.

Жониворлар ва ўсимликлардан олинадиган токсинлар химиясини ва биохимиясини ўрганиш, алкалоидлар, полифенеллар химиясини ва биохимиясини, уларнинг синтетик аналогларини тадқиқ қилиш, ғўза вилтини келтириб чиқарадиган замбуруғ токсинларининг табиатини, хоссаларини ва функцияларини ўрганиш ҳамда шу каби муҳим ишлар янги бўлим зиммасига юкланди.

Биоорганик химия бўлимининг тавсиялари Ўзбекистон, Латвия, Қозоғистон ва бошқа республикаларнинг бир қанча корхоналарида жорий қилинади. (ЎзТАГ).

БЕОРОМ ҚАЛБ

Пойтахт матбаачилари бу кишини яхши танишади. У ҳақда гап кетганида ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади. Китоб, газета ё журнал ўз вақтида чиқдими — буни унинг хизматига йўйишади. Кеч қолдими—оббо, дўстимиз йўқлиги билинмай қолибди-да, дейишади. Кўз олдингизга шундай манзарани келтиринг:

Москвада Иттифоқ аҳамиятига молик анжуман бораяпти. ТАССдан телетайп орқали хабар қилиб, маҳаллий газеталар ҳам шу анжумандан сурат бериши лозимлигини маълум этади. Редакцияларнинг иллюстрация бўлими ходимлари, секретариатдагилар «зир югуриб» қолишади. Сурат қандай сифатда олинаркин, газетамиз кечикмасмикин? Дарҳол мушкулни осон қилувчи заҳматкаш дўстларига қўнғироқ қилишади:

— Беҳаловтир ишлайверинглар, — дея уларга далда беради таниш овоз, —алоқа каналидан марказий газеталарнинг саҳифаларини оляпмиз. Ҳар эҳтимолга қарши цинкографиядагилар ҳ и ҳам огоҳлантириб қўйганман. ТАСС берган сурат тасвири яхши бўлса, бир соатга қолмай тайёрлаб бершади. Бўлмаса, марказий газеталардан клишени олиб бераман.

Матбаачилар ким ҳақда ғап кетаётганини биласиз. Ҳаётнинг ҳамма ёнини кўрган бу меҳрибон инсонинг тарғ жиман ҳоли унинг ҳамкасблари, ёшлар учун ибрат бўлса арзийди. Қирқ йилдан буён совет матбуоти ва полиграфиясида бенуқсон ишлаб келмоқда. Улуғ Ватан уруши йилларида солдатлик шинелини кийиб, қаламини душманга найза қилиб санчди — Ғарбий ва Биринчи Белоруссия фронтлари солдатлари орасида тарқатиладиган газеталарга редакторлик қилди.

Берлинда Рейхстагга ғалаба байроғини тиккан орасида унинг ҳам ҳиссаси бор. Урушдан кейин СССР Мудофаа министрлигининг Германиядаги қўшинлари группасидаги ҳарбий нашриётда самарали меҳнат қилди. 1949 йилдан 1958 йилга қадар Туркистон ҳарбий округи органи бўлган «Фрунзевец» газетасида нашриёт бошлиғи бўлиб ишлади. Запасдаги подполковник даражасида истеъфога чиқди. Мана, ўн беш йилдирки, матбаачиларнинг йирик корхонасида ишлаб келмоқда. Бу ерда ҳам ўзининг камтаринлиги, кишиларга меҳрибонлиги ва меҳнатсеварлиги билан кўп минг кишилик коллектив ҳурматини қозонди.

Нашриётда кунлик тиражи беш миллиондан зиёд нусхада ўттиз тўрт номда газета, бир галги тиражи 6 миллион 650 минг нусхадан ортиқ 36 номдаги марказий, республика ва тармоқ журналлари чиқарилаётганлигини кўз олдингизга келтирсангиз, бу ерда ишнинг нақадар мураккаблигига тўла ишонч ҳосил қила олесиз.

Ҳурматли Соломон Львович нашриётнинг бошқа ходимлари билан биргаликда бу катта коллективга бошчилик қилиб, ойлик план топшириқларининг муттасил ошириб бажарилишига, газета ва журналларнинг ўз вақтида чиқарилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг тинимсиз меҳнатини партия ва ҳукуматимиз юксак тақдирлади. Ўртоқ Могилевскийнинг кўксини ўн тўртта орден ва медаллар безаб турибди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҲУКУМАТ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

САНТЬЯГО, 10 август. (ТАСС). Чили президенти Сальвадор Альенде республика ҳукуматини қайта ташкил этди. У, янги ҳукумат миллий хавфсизлик ҳукумати бўлади, деди.

Орландо Летельер (социалист) ички ишлар министри қилиб тайинланди, Клодомиро Альмейда (социалист) яна ташқи ишлар министри бўлиб қолди, қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондони генерал Карлос Пратс миллий мудофаа министри лавозимини эгаллади, ҳарбий денгиз кучлари қўмондони адмирал Рауль Монтеро молия министри, ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал Сесар Руис—жамоат ишлари ва транспорт министри, карабинерлар корпусининг бош директори, генерал Хосе Мария Сепульведа ерларни ўзлаштириш министри қилиб тайинландилар.

Анибаль Пальма (Радикал) уйжой ва шаҳар қурилиши министри лавозимини эгаллади. Бир лик халқ ҳаракатлари партиясининг аъзоси Фернандо Флорес ҳукуматнинг министри — бош секретари лавозимига тайинланди.

Бошқа министрлар ўзларининг илгариги лавозимларида қолдирилдилар. Улар орасида Коммунистик партиянинг уч вакили бор.

Давлат бошлиғи янги ҳукуматнинг вазифаларини белгилар экан, уқтириб айтдики, у сиёсий ва иқтисодий соҳада тартиб ўрнатиш, Чилини, унинг суверенитетини, экономикасини, демократияни ва эркинликни ҳимоя қилиши лозим. Янги ҳукумат «Патрия ли бертад» типидаги фашист ташкилотларнинг ҳаммасини қонундан ташқари қилиб қўйишга эришмоғи лозим.

Президент мамлакат меҳнаткашлари ҳукумат қайта ташкил этилганлигини кучларни жой-жойига қўйиш деб, мамлакатда граждан урушининг олдини олиш йўлида қўйилган қадам деб тўғри тушунишларига аминман, деди.

* * *

САНТЬЯГО, 10 август. (ТАСС). Пайшанба куни Чили янги ҳукуматининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда мамлакатдаги аҳволни нормал изга солиш масалалари ва транспорт проблемалари муҳокама қилинди.

Мажлис тамом бўлгандан кейин ички ишлар министри Орландо Лителье журналистларга: ҳукумат юк машиналарининг эгалари ғайри қонуний забастовкани тугатмагунларича улар билан музокаралар олиб бормайди, деди.

ТЕРРОРЧИЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

САНТЬЯГО, 10 август. (ТАСС). Миллий текшириш хизмати — Чили давлат хавфсизлик органлари Вальпараисо вилоятида террор билан шуғулланган «Патрия ва либертад» фашист ташкилоти аъзоларининг катта бир группасини қамоққа олди. Жиноятчилар, жумладан Сантьяго — Вальпараисо магистралидаги туннелда диверсия қилишда қатнашганликларига иқрор бўлдилар. Террорчилар орасида «Патрия ва либертад»нинг чет элга қочиб кетган «фюрери»нинг жияни Пабло Родригес ҳам бор. Террорчиларнинг шайкаси қамоққа олиниши фашистларнинг яшириқ қароргоҳини топиш имконини берди. Бу қароргоҳда кўп миқдорда қурол-яроғлар ва Виньядель-Мардаги карабинчилар бошлиғининг уйига, бу шаҳардаги тўқимачилик корхоналаридан бирига ҳужум қилиш планлари топилди.

ПОКИСТОННИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМОБОД. 11 август. (ТАСС). Чоудҳри Фазал Елахи кеча Покистон президенти қилиб сайланди. Елахи шу пайтгача миллий ассамблеянинг раиси эди. Парламент ҳар икки палатасининг қўшма мажлисида ҳукумат «Покистон халқ партияси» томонидан кўрсатилган унинг номзодини 139 киши, оппозиция номзоди Амирзода Хонни 45 киши ёқлаб овоз берди.

Янги президент, шунингдек бош министр (З. А. Бхутто шу лавозимни эгаллайди) 14 августда — мамлакатнинг янги конституцияси кучга кирган кунда қасамёд қиладилар. Бу конституцияга мувофиқ президент асосан вакиллик функцияларини на бажаради, бутун сиёсий ҳокимият бош министр қўлида бўлади.

ЮБИЛЕЙ БАЙРАМИ

ЛИМА, 10 август. (ТАСС). Перуда атоқли совет шоири В. В. Маяковский туғилган кунининг 80 йиллиги «Маяковский — шоир, санъаткор ва революционер» деган шиор остида нишонланмоқда. Юбилей байрами доирасида Лимада ўтказилган тантанали мажлисда таниқли маданият ва санъат арбоблари, шунингдек Перу жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлдилар.

ҲАМКОРЛИК ПЛАНИ ИМЗОЛАНДИ

ХАНОЙ, 10 август. (ТАСС). Бу ерда СССР билан ВДР ўртасида 1973 йил учун маданий ва илмий ҳамкорлик плани имзоланди. Планда маданият, санъат, фан ва техника, спорт соҳаларида никлаш мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилган.

Адабиёт ВА САНЪАТ

- Буюк немис шоирининг шоҳ асари—ўзбек китобхонига
- Саҳнамизда рус қўшиқлари
- *Шеърият дафтаридан янги саҳифалар*
- Ўзбек балетининг Москва сафари

ЎРОҚ ВА БОЛҒА

1

Замон ўтиб борар, ўзгарар макон,
Маконда одамлар, қадамлар янги:
Кумуш илдай канал, яшнар икки ён
Майсалар қатида суларнинг чанги.

Уфқларга туташ ям-яшил дала
Ям-яшил барқутдай элитар кўзни,
Қушлар кўтарилар гала ва гала,
Бир мовий маъвода кўрасан ўзни.

Кўксингга сиғмайди ҳавжон баъзан,
Тинмай олқиш бўлиб ёғилар ҳиссинг;
Дейсан: «Камол топгин деҳқони-
аъзам,
Бу ерга баҳорни келтирган — изингі».

Бунёдкор дўстларга бурчлимиз ҳали,
Қанча таъзим этсак арзир эрта-кеч
Ва лекин деҳқони қутлар мақали
Меъмор ишчини ҳам унутмайлик ҳеч.

У канал қурмаса, солмаса тўғон,
Тикламаса агар нақшин биноларн
Сувсиз, уйсиз, жойсиз қайси бир деҳқон
Бўм-бўш далаларга қараб йўл олар.

Йўқ-йўқ; ажрамасин деҳқон ва ишчи,
Бошин қовуштирсин макон-қўналга,
Даштни яшартирди бирликнинг кучи,
Ҳамиша бир бўлсин Ўроқ ва Болға.

2

Тўкин-сочин келди ҳар галгидай йил,
Бугдойзор чайқалиб ётар тилла ранг,
Деҳқон бунёд этди денгиздай ҳосил,
Жамғариб олишга вақт етмас, қаранг.

Ишчи қадрларкан деҳқонни зотан,
Ердамга беминнат чўзди қўлини:
Алпдай комбайнлар чиқиб заводдан
Бугдойзор қирларга бурди йўлини.

Пахтазорларга ҳам файз бахш этгай куз:
Пайкаллар бошида хирмонлар маёқ;
Зумда миллиард-миллиард кўсак очса юз
Юлдуздай чаноққа тўлар ҳаммаёқ.

Қўлим қисқа демас-бордир умиди
Деҳқон бу ишда ҳам эмас-да якка:
Заҳгори тўн кийган куёвдай худди
Терим машиналар чиқур кўмакка.

Моҳир капитанлар эгатлар аро
Штурвални эпчил бошқарар олға;
То бир экан ишчи-деҳқон, албатта,
Енгар мушкулини Ўроқ ва Болға.

3

Боғлар шовуллайди ел билан битта
Силкинар шохларда жонқи олма.
Мева узиш кунлар қолиш йўқ четда
— Ҳой қўшни, ҳашерга!

Ҳашардан қолма!
Пуштада кетма-кет юмалар тарвуз
— Буларни қаерга?
Деҳқондан сўрар.

Деҳқон табассумда учиради кўз:
— Шаҳарга!
Шаҳарлик дўстларга, жўрам.
Арзир шаҳарлик ҳам қаддин тутсе роз
Қандлар фабрикасин бир тасаввур эт:
Пахта суратлари солинган қоғоз,
Қоғозга ўралар шоколад, конфет.

— Буларни қаерга? — сўрарсиз балки,
Нигоҳда бир ғайрат порлаб ўша чоғ.
Жавобин оқ халат-қиз берар балқиб:
— Қишлоққа!
Қишлоқлик дўстларга, ўртоқ.
Шундай, шаҳар-қишлоқ содиқ ҳамиша —
«Бор-у кел товогим» деган мақолга...
Бор бўл ҳамжиҳатлик, ҳамдўстлик яша.
Бор бўл қўлда тутгай Ўроқ ва Болға!

4

Деҳқондек иниси бор экан токи
Ишчи ризқи-рўзга сезмас эҳтиёж;
Тоғларни пармалар,
Кон қазир, ёки —
Дур излаб денгизга отади қулоч.

У дастгоҳ устида тинмай тўқар тер,
Кимсасиз даштларга сочар чироқлар;
У поезд яратар,
Учирар Лайнер:

Кўз очиб-юмгунча яқин йироқлар.
Ишчи-деҳқон!
Сен давр томирида қон,
Ҳамкор, ҳамдард бўлиб жавлон ур олға;
Ойни кашф этгандай топ янги макон,
Етсин Ойдагидай Ўроқ ва Болға!..

Низомжон ПАРДА.

„ФАУСТ" ЎЗБЕК ТИЛИДА

ТАҚРИЗ

Жаҳон адабиётининг энг мумтоз ва абадий барҳаёт дурдоналаридан бўлмиш «Фауст» бутун ўзбек тилида ҳам бутун салобати ва салоҳияти билан жаранглямоқда. Бу асарни буюк Гёте бутун ижодий фаолияти давомида (1772—1831 йиллар) яратди. Улуғ немис адибининг шоҳ асари заҳмон синовларидан дадил ўтиб, инсон тафаккури қудратини намойиш этувчи мислсиз маънавий воқеага айланди.

«Шундай бир олий мардлик бор: бу яратиш ва кашфиёт қилиш мардлигидир, бунда беҳадду беқиёс режалар ижодий фикр билан чўлганиб кетади... Гётенинг «Фауст»и ана шундай мардликдир»,— деб ёзган эди А. С. Пушкин «Фауст» ижодкори ҳақида. Рус адабиётида бу улуғвор асарнинг бир неча таржималари мавжуд бўлиб, Жуковский, Грибоедов, Фет ва Брюсовлар бу улкан ишга қўл урган эдилар. Булардан ташқари, ўзининг етуклиги ва оригиналга гоят яқинлиги билан шуҳрат қозонган таржималар борки, буни китобхонларимиз яхши билишади.

Истеъдодли шоир Эркин Воҳидов «Фауст»ни ўзбекча сўзлатишдай масъулиятли ва шарафли вазифага жазм этди. У йиллар давомида асарнинг рус тилидаги кўпгина нусхаларини ва унинг ҳақидаги талай адабиётларни қунт билан ўрганиб, сўнг таржимага киришди. Ва ниҳоят, шоирнинг иқтидорли қалами Навоийлар қалам тебратган гулшанга буюк немис шоири Гётени олиб кирди. Натижада, мана, бугун Гётенинг жаҳон адабиётида юксак қадрланиб келган асари «Фауст»[1], албатта (1-қисм) шеъриятимиз мулкига айланди. Ҳозир асарнинг иккинчи қисми ҳам тугалланиб, нашриётга топширилиш арафасида. Китобхонлар бу қисмни ҳам сабрсизлик билан кутаётганликлари жуда табиийдир.

Эркин Воҳидов «Фауст»ни санъаткор сифатида шакланиб, балоғатга етган чоғида таржима қилди. «Фауст» каби геннал санъат асарини таржима қилмоқлик учун ижодкор шу асар даражасида фикран ва қалбан етилган бўлмоғи керак. Асарнинг барча фалсафий, маънавий, бадиий минтақаларида безавол ҳаракат қилиш, яъни уни том маънода англаш ва ўз қалбига кўчириш лозим. «Фауст»ни ўқиганда, биз ўзбек шоири мана шундай ижодий психологик жараённи бошдан кечирганлигига, асарнинг сўзлари, шаклий жиҳатларинигина эмас, Гётенинг қалби ва идрокининг изларини ҳам қоғозга туширганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, «Фауст» Гётенинг мураккаб фалсафий, рамзий маъноларга бой асари. Унинг барча чизиқларида гоявий кураш, тўғриғори, қарашларнинг кураши алангали суратда ҳаракат қилади. Гёте бунда ўзини, ўз даври ва унинг илғор кишиларини ўртаган масалаларни ўртага ташлайди. Гарчи асарда конкрет бир давр воқеалари кўрсатилмаган бўлса-да, лекин унда Европа капитализми инсон ҳаёти ва маънавиятнинг барча томонларига бош суқиб келаётгани ва бунга нисбатан шоирнинг муносабати ёрқин англашиниб туради.

Гёте бутун асар давомида катта ҳарф билан ёзиладиган Инсон руҳий имкониятларини тадқиқ қилади ва, бинобарин, шу тадқиқ асарнинг марказий ғоясини белгилайди.

«Фауст» классицизм асарларига хос Бағишлов, Театр муқаддимаси ва юксак самовий оҳангларга тўлиқ Дебоча билан бошланади.

Театр муқаддимаси Гётенинг эстетик қарашларини англаш жиҳатидан муҳим бўлса, иккинчи томондан, гўё «Фауст» қандай мақсад билан, қайси йўлда яратилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу кичик муқаддимада ҳам санъатга турлича қарашларнинг кураши ётади. Театр директори, Шоир ҳамда Қизиқчи ўртасида, санъат асари қандай бўлиши керак, деган баҳсдаги Қизиқчининг қуйидаги фикрлари шоирнинг эстетик принципларини ойдинлаштиради:

Кобилият бўлсин, гапнинг сираси,
Жам бўлсин бир ерда ақл ва туйғу,
Хаёлнинг парвози, шавқ силсиласи,
Сўнг андак тоқирлик, бир чимдим
кулгу.

«Фауст» чинакам маънодаги ақл ва туйғу бўронлари кезган, бўронлардан сўнг осуда, сокин манзаралар ястанган, инсон хаёлининг юксак парвозлари ва буюк шавқ силсилаларидан яралган асардир.

Гётенинг «Фауст»да яратган образлари — булар буюк тимсолий образлар, ер фарзанди ўртасида кураш бошланади. Фауст — бу қарама-қаршиликлар кўпириб ётган уммондир. У олам асрорларини билиш, инсонлик сифатларини бутун буюклигида намоён қилишга, ҳурликка интилади. У беғоёт табиат билан воҳидлик ва уйғунлик топиш, унинг беқиёс гўзал қучоқларидан баҳра олишни истайди ва ўзини бунга ожиз сезган чоқларида ўлим шарбатини ютгиси келади. Фауст беиҳоя шонрона, олижаноб образдир. Унинг табиат, олам, одамзод, коинотга қарашларида улуғвор гуманистнинг руҳи сезилиб туради. Фауст фавқулодда тасаввур кучига эга. Унинг хаёли ойнасида тирик олам ўзининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлади. Бу гўзалликларнинг баридан баҳраманд бўлгиси келади.

Мефистофель — шайтон. Унинг барча қилиқлари, «аплари, фикрлари шайтоний. У одамзоднинг ақли қисқа, у суд-ралиб ўтишга маҳкум, ҳаёт унга берилган омонат тортиқ, шунинг учун тирик экансан маишат қилиб қол, деб Фауст юрагига қутқу солади. Мефистофель шу тариқа аслида шайтон эмас, маълум бир тоифа одамларнинг фикрлари ва қарашларини ўзида ифодаланган йиғма образга айланади. Шайтон ўзига мустақил эмас. У одам ичидадир. Одамзоднинг бир қутбидир.

Фауст Мефистофелдаги илоҳий қудрат воситасида тирик оламнинг ўзи билмаган, ўзи кўрмаган ва ўзи танимаган барча томонларини туйиш, идрок қилиш ва инсон номини янада улуғлашга қарор қилади. Асарнинг мана шу буюк фалсафий тугуни ўзига жуда йирик масалаларни йўлдош қилиб, ечим сари шитоб билан боради. Гёте шайтоний куч таъсирида йигитлик қувватини орттирган, классик шарқ қаҳрамонлари каби кўзгуда тенгсиз бир малак суратини кўрган Фаустнинг ўн тўрт яшар соҳибжамол Маргаритага тушган ишқи, бу ишқнинг шайтон туфайли даҳшатли якун топганлигини қалбларни чексиз ларзага солиб чизади.

Лекин Фауст тенгсиз уқубатлар қаршисида тақдирга тан бериб, енгилмайди. У қийноқлар, шармисорликлар гирдобида қолган ёрини қутқариш учун шиддат билан отилади. Ноҳисни лаънатлаб, уни Маргаритани қутқариш учун ёрдам беришга мажбур қилади. Шунда Инсон ўзининг бор маънавий, руҳий қудрати билан намоён бўлади.

Гётенинг «Фауст»и фикр ва туйғуларнинг гоҳо сокин кечган, гоҳо фавқулодда туғёнли ифодаларга бой умуминсоний қимматга эга бўлган асардир. Шунинг учун ҳам ундаги инсонпарварлик, табиат ва ҳаётга меҳр-муҳаббат, ахтармоқ ва билмоққа ҳавас, ноҳисларга нафрат ғоялари қайси замон, қайси элда бўлмасин, юракларда доимо акс-садо топади.

Ўзбек шеъриятига классик немис шоирининг шоҳ асарини олиб кирган, ҳар бир сўзи халқ афоризмидай ҳаракатчан, фаол қувватга эга бўлган, Гёте даҳосини ўзбек шеъри заминида юксалтирган Эркин Воҳидов асар таржимаси устида узоқ меҳнат қилди. Таржимада бугунги ўзбек шеърининг камолотини, тилимизнинг гўзал имкониятларини намоён этди. Вазнларнинг ритмик товланишлари, барча ўринларда тўлиқ, топилма қофияларга бойлиги, маъно юклаган сўзларнинг бадиий порлоқлиги, умуман шеъриятнинг ўзбекча тиниқ ва табиий жаранглаши — буларнинг бари ўзбек шоирининг топқирлиги, демакки, ижодий ютуғидан дарак беради.

Албатта, ҳар бир яхши, мукаммал ижодий ишда ҳам ҳали сайқал талаб, аниқликка муҳтож ўринлар бўлиши мумкин. Бу ажойиб таржимада ҳам худди шундай, Гёте оригинали нуқтаи назаридан қараганда, ҳали тамом камолга етмаган парчалар, мисралар кўзга ташланади. Ўйлаймизки, шоир бу улкан асар таржимаси устида ишни давом эттирди ва «Фауст»нинг ўзбекчаси таржима санъатининг ажойиб намунаси бўлиб қолади.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Жуманнёз ЖАББОРОВ.

[1] Гёте. Фауст. Э. Воҳидов таржимаси. Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972 йил.

Пойтахтимиз меҳмонлари

РОССИЯ ТАРОНАЛАРИ

Шаҳримизнинг нўркам биноларидан саналувчи марказий «Юбилей» спорт саройи яна гавжумлашиб қолди. Бу сафар республикамизга ташриф буюрган россиялик йигит-қизларнинг шўх куй ва қўшиқлари янграмоқда. Томошабинлар «Севиклим, Россиям» деб ном олган театрлашган эстрада нўрсатувларини қизғин қаршиламоқдалар.

Рус халқининг классик ва замонавий музика ҳамда рақс санъати билан таништирувчи катта концерт репертуари мароқли ва ҳаяжонли. Программага ики ансамбль — «Қизлар» ва «Рус каштаси» саҳна номерлари киритилган. Ики қисмли концерт қизларнинг чиқиши билан бошланади. Турли рангдаги ўткир прожекторлар ёғдуси остида ёқимли гитара ва оркестр садолари жўрлигида «Машенкага йўл бўлсин», «Утлоқ бўйлаб» каби рус халқ оҳангларининг янграши томошабинларни мафтун этмоқда. Оҳанглар-оҳангларга, рақслар-рақсларга уланган сари олқишлар ҳам баралла янграб турибди. Вокалчилар, Бутуниттифоқ конкурси лауреати Юрий Марченконинг чиқишлари, ўзига хос лапар қўшиқларидан тузилган «Оқшом чоғи дўнгликда» лирик манзараси, қиловерса Марк Вахутинский ижросидаги шўх-ўйноқи «ДАЛАЖОМ» рақси мухлисларни ром этади.

Меҳмонларимизнинг «Рус каштаси» деб номланган ансамбли қатнашчиларининг чиқишлари музика ва қўшиқлар билан бойитилган. Жумладан, рус халқининг ўтмишини эслатувчи «Волга воқеалари», ҳозирги замон музика маданиятидан дарак берувчи «Москва оқшомлари» вокал-хореографик картина, «Камалак» вокаль композицияси, совет бастакорлари Н. Новиковнинг «Рус қўшиғини севаман», М. Фрадкининг «Баянсиз қўшиқ-қўшиқми» каби номерлари диққатга сазовордир.

В. Зозулин раҳбарлигидаги «Рус каштаси» программасига яна Улуғ Ватан уруши жангномалари ҳақида ҳикоя қилувчи қиқиқарли номерлар ҳам киритилган. Меҳнат ва курашга чорловчи, Ватанга муҳаббат, севгига садоқат руҳидаги манзараларни уюштиришга, қўшиқларни таниқлашга алоҳида эътибор берилганлиги сезилиб туради. «Россия», «Ўртоқ» «Мени кутасан-а», «Серташвиш ёшлик қўшиғи» майин ва жарангдор,ҳазил ва шўх пардаларда талқин этилганки, улар томошабинни мафтун этади.

Музика коллективи ҳали еш, асосан ҳаваскор коллективларнинг йигит-қизларидан тузилган. Ташкил этилганига ҳам энди бир йил бўлди. Аммо муваффақиятлари номдор ва таниқли саҳна усталарининкидан қолишмаяпти. Улар сафар чоғида Москвадаги Съездлар саройи саҳнасида концерт нўрсатишди. Ленинград, Минск, Украина шаҳар-қишлоқларида инро этган номерлари томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Ансамбль Тошкентга бокудан келди. «Қизлар» Москвада ўтказилган комсомол қўшиқлари ҳамда Бутуниттифоқ вокаль-чолғу ансамбллари кўригининг лауреати ҳисобланади ва ҚССР, Польша, ГДР, Югославия мамлакатларида бир қатор концертлар берган. «Рус каштаси» эса Вьетнам, Лаос, Камбоджа меҳнат аҳлини мамнун этиб қайтган.

«Севиклим, Россиям» театрлашган эстрада нўрсатувлари бошланган дастлабки куни «Қизлар» ансамбли бадиий раҳбари В. Лавров билан суҳбатлашдик:

— Серқуёш ўлканга пойтахтида илғари ҳам бўлгандим. Аммо, бугунги кунда Тошкентни таниб бўлмайди. Янги барпо этилган кварталлар, кенг ва ёруғ кўчалар, кўкка бўй чўзаётган кўп қаватли биноларнинг шаҳар нўркига нўрк қўшибди. Тошкентликлар бизнинг чиқишларимизни самимият билан қарши олишаётганлигидан мамнунмиз. Бу ерда қарийб ўн беш марта концерт номерлари нўрсатишни мўлжаллаганмиз. Ўйлаймизки, ансамблимиз иштирокчиларининг чиқишлари томошабинларга завқ-шавқ бағишлайди.

Н. ҲАЙДАРОВ.

Суратларда: «Қизлар» ансамбли иштирокчиларидан бир группаси.

Ж. Тўраев фотолари.

Ё З

Пўлат МУМИН.

Ёз кезар яшнаган элимда,
Ёз завқи тилимда, дилимда.
Қушларим сайрашар, ғайрашар,
Булоқлар шивирлар, қайнашар.
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Қуёш ва меҳнатим қудрати,
Паҳлавон халқимнинг суръати,—
Юртимни безаган, қаранглар,
Ёз куйи ҳар ёнда жаранглар:
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Ёзимнинг иссиғи ва нури,
Жонимнинг ҳаловат, ҳузури,
Шўнгийман дарёлар қўйнига,
Табиат чорлар ёз тўйига:
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Шифобахш боғларим меваси,
Минг турда гулларим жилваси.
Чақирар воҳилар, полизлар,
Пишгандир қовунлар, тарвузлар;
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Беполён пахтазор пайкаллар,
Мавж уриб оқиста чайқалар.
Қарайман нўзаларим жимирлаб,
Ялроқлар сўзлайди, шивирлаб:
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

Дўстларга серҳиммат фасл бу,
Мазмуни серҳиммат фасл бу,
Урганиш, саёҳат фасли бу.
Саодат — энг роҳат фасли бу,
Ёз яхши, ёз яхши, ёз яхши!

САНЪАТИМИЗ КЎРИГИ

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Академик Катта театрининг балет труппасига 10 августда Кремлдаги Съездлар саройи саҳнаси бериб қўйилди. Тошкентлик меҳмонлар Москвада классиклар ва ҳозирги замон совет композиторларининг музикаси асосида олтита спектакль кўрсатадилар.

Гастроль афишасида А. Козловскийнинг «Тановар» балети бор. Бу балет биринчи ўзбек раққосаси Нурхонга бағишланган. Нурхон ролини СССР халқ артисти Бернора Қориева ижро этади. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари СССР халқ артисти Галия Измайлова томонидан қўйилган «Севги тумори» балетини томоша қиладилар. Композитор Мухтор Ашрафий ана шу спектаклга ёзган музикаси учун Ж. Неру номидаги мукофотни олишга сазовор бўлган. Меҳмонларнинг программаларида Л. Фейгининг «Дон Жуан» балети, шунингдек театрнинг кейинги вақтда саҳнага қўйган иккита асари—Д. Шостаковичнинг «Ойимқиз ва безори» асари ҳамда Ж. Бизе — Р. Щедриннинг «Кармен—Сюита»си бор.

Гастроллар чоғида машҳур саҳна усталари билан бир қаторда Тошкент, Москва, Ленинград хореография билим юртларини яқиндагина битириб чиққан ёш артистларнинг катта группаси ҳам иштирок этади.

М. БОБОХОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.
Москва.

ЭКСКАВАТОР ТАЪРИФИ

Айланайин панжаларингдан,
Ҳайқириғинг менга алладай,
Чўл чаманин ғунчаларидан
Сенга атаб, мардим, саралай,
Сени қўпол деган қўполнинг
Оқармаса керак косаси.
Қўпол ерни ўзинг қўпординг,
Наъранг — янги гулшан садоси.
Сен ҳам мендек полвон йигитсан,
Уриб турар пўлат юрагинг.
Қандай гўзал, салобат билан
Арслон каби гурс-гурс юрганинг.
Мендек қора терга ботасан,
Қувват берар меҳнат сафоси.
Керак бўлса тоғни босасан,
Титрар сендан чўл, саҳроси.
Кечаларн чироғинг ёниқ,
Кўринасан паровоз каби,
Чополмайсан сен поезд янглиқ,
Ҳефа бўлма, бўлма асабий.
Сен залворли қадамнинг билан
Поездларни қолдирдинг йўлда.
Мақтан, очган чаманинг билан,
Мениб мен ҳам мақтанай рулда.
Сенсан машиналар наслининг
Оғирқарвон, ботир ўғлони.
Панжангдаднр ҳали асримнинг
Яралажак қанча бўстони.

СОЧҚИ

Қайтаётир йигит ҳарбийдан
Погонлари нурда ялтирар.
Қадамнинг текис зарбидан
Гўё
Бутун қишлоқ гулдирар.
Босмасидан уйнга оёқ
Остонада она қаршилар.
Очмай туриб ўғлига қучоқ
Кампир эски удумни қилар:
Бошларидан сочқи сочади,
Жаранглайди кумуш тангалар,
Болакайлар теріб қочадн.
Солдат ҳайрон,
Солдат тонг қолар.
Кулма, ўғлон,
Пойлаб йўлингни
Онанзор йиқиқан ҳар танга
Юпатгану унинг кўнглини,
Ҳаёлини боғлаган санга.
Уч йиллик уй,
Уч йиллик соғинч
Бошгинангда жаранглаб ҳозир
Йигит умрнинг очди қучоғни,
Бундан ортиқ бўлмас бахт, ҳузур!..

Юсуф ШОМАНСУР.

БАЙРОҒИНГ НУРИ

Умрим баҳорнда сенга бердим қўл,
Қўлимни олганинг учун минг раҳмат!
Партиям, кўрсатдинг порлоқ, шонли
йўл,
«Юр дединг, мен билан, чексанг-да
заҳмат!»

Хўп, дедим.
Йўлдаман,
Қўлимда байроқ:
У — шафақ,
У — лола,
У — қон,
У — имон!

Англадим: шу йўлдан улуғроқ, бойроқ —
Орзулар йўлини кўрмаган инсон.
Доимо ҳис этдим:
Қўлларинг кафти
Ҳам дағал, ҳам майин, лекин— бир олов!
Ишондим: дунёга бу қўллар тафти
Қуёшни этажак ягона ялов!
Устоз,
Раҳмат сенга шу ишонч, ёғду —
Дилдаги гавҳари шамчироғ учун;
Қўшиқдай жарангдор, кескир тақдиру
Уфқдай сермазмун ол байроқ учун!

ДЎСТЛИК ДИЁРИ

Бир диёр бор, дуркун бир диёр,
Қўйчондек яйраб яшайди.
Арчасидан абадий баҳор
Чўлнга ҳам ингоҳ ташлайди.
Чўққисида ўшшайган келбат
Лолаларни кифтда тутади.
Қоясида бедор муҳаббат
Оҳуларнинг изни кутади.
Терагининг заигор учига
Хилол эрур кумуш ниқоя.
Ҳар гўшаси, ҳам бир бурчига
Йилн бўйи қуёш ҳамсоя.
Даласнни суюб фасллар
Меҳнат қилар яйраб қуёшда.
Шаҳарларда собит қасрлар
Юлдузларни тутади бошда.
Ўғлонлари севар элини
Алпомиш-у Фарҳодига хос.
Элнинг ҳар бир қизу келини
Тўмарису Барчинга қиёс.
Бир диёр бор, дуркун бир диёр,
Мангу унут нола-ю зори.
Азал-абад ўзлик номи бор:
Ўзбекистон — дўстлик диёри.

Абдулла ШЕР.

ИМТИҲОН

Ишда яхши янгилик кўнга,
Етмоқ учун порлоқ янгига,
Меҳр керак ҳар бир экинга,
Ер ва деҳқон—боғ ва боғбондир,
Ер очганлар асл инсондир.
Дала кел деб қилиб хитоб,
Ким ғафлатда бўлса, ноинсоф,
Бу кунлар ҳам шу йилга ҳисоб,
Қадрига ет. Ёйсан пушаймон,
Бегамлиининг охири ёмон.
Гувоҳ бўлсин шу минбар, шу зал,
Йигит-қизми ё нуроний чол,
Енг шимариб ишлаймиз ҳалол,
Етиазамиз пахтани жўшиб,
Бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб.
Ким бу элга дилбандман деса,
Диёримга фарзандман деса,
Эл ғами-ла мен бандман деса, —
Енг шимарсин — чорлайди майдон
Бир майдонки, катта имтиҳон.

Эгам РАҲИМ.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНГИЗ ҚАНДАЙ!

ҚУЁШ, ҲАВО ВА СУВ

«Об-ҳаво ўзгарди дегунча, суякларим зирқираб оғрий бошлайди». Ёки: «Бошим оғрияпти, эҳтимол, ёмғирга шундай бўлаётгандир...» деган гапларни эшитиш мумкин. Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туришига ўта сезгир бундай тоифадаги кишилар орамизда йўқ эмас. Айниқса, ўпка ва юрак-қон-томир касаллигига чалинган беморларнинг ҳар иккинчиси ана шундай хусусиятга эга. Ҳатто соғлом кишиларда ҳам бундай сезгирликни кузатиш мумкин. Кўпроқ болалар ва ўсмирлар об-ҳавонинг ўзгаришини сезувчан бўладилар. Об-ҳаво ва метеорологик шароитнинг тўхтовсиз ўзгариб туриши ҳар қандай одамга ҳам маълум даражада таъсир этади, организмда турли реакциялар ҳосил қилади.

Одамлар икки турдаги реакцияни фарқлай оладилар. Шулардан бири физиологик реакциядир. Бу нарса организм ички муҳитининг доимийлиги билан боғлиқдир. Масалан, одам ҳавонинг ҳарорати сал ўзгариши ва таъсири натижасида ташқарига иссиқлик чиқаришни ўзгартиради. Жазирамада иссиқлик ишлаб чиқариш пасаяди, паст ҳароратда эса бунга қарамақарши жараён юз беради.

Ҳароратнинг ўзгариб туриши кишиларнинг умумий ҳолатига таъсир этиб, баъзан характерли реакциялар туғдириши мумкин. Ўтган йили июнь ойидан сентябргача СССРнинг Европа қисмида кучли иссиқ бўлиб, ёмғир ёғмади. Бундай чоғда юрак-қон-томир касаллигига чалинган аксарият кишилар ўзларини жуда яхши ҳис этдилар. Сентябрь ойида бирдан об-ҳаво ўзгарди, совуқ, ёмғирли кунлар бошланди. Шундагина ҳалиги тоифадаги кишилар ўз дардларини эслаб қолдилар.

Об-ҳавонинг намлигида ҳам гап кўп. Ҳароратнинг ва намлиннг бир вақтда кўтарилиши одамнинг ҳолатини бирдан ёмонлаштиради. Аксарият беморлар, айниқса, ўпка ва юрак-қон-томир касалликларига чалинганлар дим ҳавода ўзларини ёмон ҳис этишади.

Қуруқ иқлим шароитида киши иссиқни енгил ўтказади. Ҳаво ҳарорати ва намлигига қараб, организмга ҳаво босими, кислород ва ҳар хил газлар, синоптик жараёнлар, қуёш активлигининг ошиши таъсир этиши мумкин. Аниқланишича, қуёш активлигининг орта бориши қон таркибини ўзгартириб борар экан.

Илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳаво реакцияси кўп ҳолларда бирор метеорологик элемент таъсирида эмас, балки уларнинг турли бирикмалари ёки бутун ҳаво комплекси натижасида юз беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпгина районларида об-ҳаво медицина мақсадларида прогноз қилинмоқда. 24-48 соат илгари аниқланган медицина прогнози врачларга, ўрта медицина ходимларига шаҳар ва қишлоқда метеосезгирлиги ошган кишилар ўртасида профилактика тадбирлари ўтказиш, шунингдек, об-ҳаво шароитининг бирдан ўзгариши туфайли содир бўладиган ноҳушликларнинг олдини олиш имконини беради.

Шу кунларда врач томонидан тавсия этилган дори-дармонларни олиш, қуёшдан сақланиш керак. Аксарият кишилар ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам комплекс даволаш-соғломлаштириш тадбирларини бажариш туфайли бод, гипертония, сурункали пневмония касалликлари пайтида юз берадиган ноҳуш реакцияларни бирмунча қисқартириш мумкин эканлигини тушуниб етдилар.

Соғлом кишиларда ҳам об-ҳаво ўзгарган пайтда турли реакциялар пайдо бўлади. Бу кўпроқ асаб жараёнларининг кучайиши ёки секинлашишида кўзга ташланади. Бундай ўзгариш баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам олиб келади. Даволаш сув ҳавзалари ва сув-қутқарув станциялари ходимларига медицина прогнозининг берилиши ғўмилиш чоғида юз берадиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Бундай прогнозларнинг мунтазам равишда ОРУД органларига хабар қилиб турилиши туфайли автомобиль йўли ҳалокати камайиб бораяпти.

Даволаш тадбирлари ҳаво ўзгариши туфайли пайдо бўладиган реакцияларнинг олдини олиш усулларидан биридир. Лекин чиниқиб бориш асосий ва бош усул бўлиб қолаверади. Машқ қилувчи киши учун ҳатто тўсатдан юз берадиган метеорологик ўзгаришлар ҳам таъсир этмайди, иссиқкина хонадан ташқарига қиш чилласида қор бўрон ўйнашга отилган болани ким кўрмаган дейсиз? Кишда сув ҳавзаларида ғўмилувчи кеморжалар сони ҳам тобора ортиб бораяпти. Бундай ўйин ва ғўмилиш чиниқувчиларга хуш ёқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яхши умумий жисмоний саломатлик ҳар қандай ноҳуш метеорологик ва об-ҳаво омилларига чидамлиликни таъминлайди, деган хато қарашлар ҳам мавжуд. Аслида шундай эмас. Организмнинг қаршилик кўрсатишига мунтазам машқ қилиш туфайлигина эришиш мумкин. Врач маслаҳатига амал қилган ҳолда тўхтовсиз, мунтазам равишда, танаффуссиз машқ қилиб бориш керак. Самарали меҳнат қилиш ёки очиқ ҳавода узоқ бўлиш, сайр қилиш, ҳаво ва қуёш ваннаси олиш, мириқиб ухлаш, шунингдек, турли жисмоний машқлар, спорт билан шуғулланиш чиниқишда катта аҳамиятга эгадир.

И. ГРИГОРЬЕВ,
профессор.

ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР

Бундан ўн йиллар муқаддам газета ва журналларда ёш рассомнинг мўйқаламига мансуб дастлабки манзаралар пайдо бўлди. Буларда қадимий Жайхун қирғоқларида юз бераётган катта-катта ўзгаришлар, ажойиб бунёдкорлик ишлари, ана шу буюк ишларни амалга ошираётган матонатли кишилар, йигит ва қизлар тасвирланади. Расмлар остига ёзилган лавҳачалар мўйқалам тасвиридаги манзараларни яна ҳам тўлдириб, уларга сайқал берар эди.

Бугунги кунга келиб ана шу рассом-журналистнинг ижодий фаолияти тўғрисида жуда илиқ сўзлар айтилмоқда.

Николай Корнилов Қорақалпоғистон тўғрисида, кейинги йилларда бу ерда юз бераётган сон-саноқсиз ўзгаришлар ҳақида ғоятда кўп расмлар яратди. Айниқса Тахиатош гидроузели ва унинг бунёдкорлари, Орол тўқинлари ва Аму жилвалари, поёнсиз пахтазорлар ва шовуллаган шолиполяларнинг ҳақиқий чиройи рассомнинг тасвирларида ўз салобати ва ҳусни билан тўла акс этди. У Усть-юрт геологлари ҳақида, буюк қурилишларда иштирок этаётган йигит-қизлар тўғрисида ўз расмлари билан ҳикоя қилди.

Николай Корнилов ана шулар билан чегараланиб қолмай, Узбекистоннинг жуда кўп жойларида бўлди. Самарқанд ва Бухорони, Фарғона ва Андижонни кезди. Совет кишиларининг қаҳрамонона ишлари, чексиз пахтазорлар ҳамда экинзорларга оби-ҳаёт етказилиб берилаётган улкан сув омборларининг кўринишлари, азамат пахтакорлар унинг асарларида ўз аксини топди.

Рассом Советлар диёрининг бошқа жуда кўп шаҳарларида ҳам бўлди. Чунончи Архангельск, Олмаота, Саратов, Омск, Сиктивкар, Одесса, Барнаул, Душанба ва бошқа шаҳарларда гўзал манзаралар ҳамда янги қаҳрамонлар изларди.

Николай Корнилов меҳнат фаолиятини аввал оддий ишчи сифатида бошлаган эди. Кейинчалик слесарлик қилди, суворчилик қилиб биноларнинг чиройига чирой қўшди, ҳатто матрос сифатида дарё ва денгизларда сузди. Бироқ, ўлкамизнинг гўзал чиройи ва кишиларининг ижодий меҳнатини таранним этиш иштиёқи вужудини қуршаб олган эди. Ниҳоят журналист-рассом сифатида ижод қила бошлади.

Унинг рассомлик соҳасидаги фаолияти фақат ўн йиллик муддатни ўз ичига олади. Шундай бўлса ҳам у яратган асарлар мамлакатимизнинг жуда кўп нашрларида бирин-кетин босилиб турибди. «Советская Каракалпакия», «Совет Узбекистони», «Правда Востока», «Комсомолец Узбекистана», «Труд», «Известия», «Социалистическая индустрия» газеталарида ҳамда қатор маҳаллий ва марказий журналларда сергайрат рассомнинг асарлари тез-тез чоп этилиб турибди.

Николай Корниловнинг ижоди кейинги пайтларда кўпниликнинг эътиборини тортмоқда. Узбекистон ССР халқ рассоми Владимир Хайдалов, Қорақалпоғистоннинг таниқли шоири Иброҳим Юсупов, драматург Жўлмирза Оймирзаев ва бошқалар рассом-журналист ҳақида ўзларининг яхши фикрларини айтиб ўтишди.

СССР халқ рассоми Н. Н. Жуков ёш рассомга йўллаган хатида шундай деган эди: «Ҳурматли Николай, мен сизни чин қалбимдан қутлайман! Китобингизни кўриб чиқдим ва сизнинг тўғрингизда жуда яхши тасаввурга эга бўлдим. Сизнинг санъатга, кишиларни курашга, яратишга ва олға боришга ундовчи ҳайрли меҳнатга ишчанлик билан киришганлигингиз менга жуда ёқди...».

— Санъатда ўз ўрнини топиб олиш осон иш эмас экан. Мен бу мароқли йўлга жуда катта машақатларни енгиш натижасида чиқяпман. Бунда севимли Қорақалпоғистон диёри, бу ердаги мардонавор ишлар менинг ижод дафтаримнинг бойишига сабаб бўлмоқда. Мен ҳали ончалик кўп иш қилганимча йўқ, аммо катта режаларни амалга оширишни мўлжаллаб қўйганман. Бунинг учун жуда кўп ғайрат ва шижоат кўрсатиш керак.

Чиндан ҳам шундай, газетхонлар, журналхонлар, китобхонлар ёш, ғайратли рассомдан ҳали жуда кўп нарсаларни кутади.

Юқорида Николай Корнилов чизган баъзи расмлар берилган. Буларда Тахиатош гидроузелининг бунёдкорлари — машҳур кўприксоз уста Павел Васильевич Семёнов, электр пайвандчи Соип Лепесов, идғор бетончи Нина Абакирова ва гидроузелнинг саноат базаси ҳисобланган улкан бетон заводи тасвир этилган.

Рассом Николай Корнилов ўзининг энг яхши асарларини Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг эллик йиллик юбилейига бағишламоқда.

Я. ТОЛИБОВ.

Ангрен шахтёрларининг фарзандлари мириқиб дам олаётган «Космос» пионер лагери Қурама тизма тоғининг манзарали ерига жойлашган. Ҳозир бу ерда учинчи смена дам олмоқда. Суратда: катта группанинг тарбиячиси Валентина Сергеевна Лебедева пионерларни лагерь атрофидаги дарё ён бағрига походга олиб чиқмоқда.

Қ. Розиқов фотоси, ЎзТАГ.

СПОРТ янгиликлари

МЕРГАНЛАР МЕДАЛИ

Узбекистоннинг ёш мерганлари навбатдаги муваффақиятни қўлга киритдилар. Тошкентлик спортчилардан Александр Беднов, Юрий Нонин ва Наташа Парфина отиш спорти бўйича ДОСААФ ва мамлакат касаба союзлари кўнгилли спорт жамияти биринчилиги учун Москвада ўтказилган мусобақада бронза медалларни олдилар. Ана шу биринчилик мусобақаларининг якунлари бўйича Узбекистон вакилларидан етти киши мамлакатнинг терма командасига киритилди.

ҲАЛҚАРО МАТЧЛАР

Қўл тўпи бўйича Иордания терма командаси Узбекистонга жавоб визити билан келди. Иордания қўл тўпи усталари Тошкентда Узбекистон спортчилари билан олти марта учрашдилар.

Меҳмонлар ўзларининг эски рақиблари — Совет Иттифоқи чемпионатида қатнашган Тошкент физкультура институти командасига, Самарқанд ва Фарғона командаларига ютқаздилар.

Иордания спортчилари Олмалиқнинг «Меҳнат» командаси билан беллашиб, дуранг натижага эришдилар.

Мусобақаларнинг охирида терма командалар даражасида матч бўлиб ўтди. Мезбонлар 31:9 ҳисоби билан ғолиб чиқдилар.

«ЧАРМ ТЎП» ТОШКЕНТДА

Южно-Сахалинскдан келган «Черёмушки», Тбилисидан келган «Пионер», Фрунзедан келган «Манас», Жамбулдан келган «Олимпия» ва бошқа футбол командалари шу кунларда Тошкентда турнирди.

Кеча «Пахтакор»да навқирон футболчилар ўртасида «чарм тўп» турнирига старт берилди. Сўнгра эса дастлабки беллашув бошланди. Бунда Москванинг «Орленок» командаси билан Тошкентнинг «Юлдузча» командаси учрашди.

Ўлкамиз оромгоҳлари

УМРГА УМР...

Серқуёш республикамизда ҳам курортлар ва санаторийлар, инсоннинг соғлигига-соғлиқ, умрига-умр қўшадиган оромгоҳлар бор. Улардан бири Наманган областидаги «Чортоқ» санаторийси ўзининг хушҳаволиги ва гўзал манзараси билангина эмас, минг дардга даво бўлган булоқлари билан ҳам машҳурдир. Яқин-яқинларгача кимсасиз ҳувиллаб ётган даштни совет киши инсон дардига малҳам масканига айлантирди.

... 1943 йил. Халқимиз бошига оғир кунлар тушган синов дамлари эди. Улуғ Октябрь ғалабаларини, озодлигимиз ва бахт-саодатимизни сақлаб қолиш учун қаттиқ жанглар борарди. Ўша йилнинг кеч кузида Чортоқ адирларида нефть қидирувчилар группаси пайдо бўлиб қолди. Геологлар ер бағрини 1624 метргача пармалаб боришди. Кутилмаганда нефть ўрнига қайноқ сув фонтандай отилиб чиқди. Сувнинг таркибини текшириб кўриш учун Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти профессорларидан В. М. Файбушевич, Т. И. Евсеев бошлиқ группа етиб келди. Маълум бўлишича, сув таркибида бод ва бошқа касалликларга шифо берувчи моддалар бор экан. Шундай қилиб, 1949 йилнинг ўрталарида бу ерда 50 ўринли санаторий ташкил этилди.

Кейинги даврда «Чортоқ» санаторийси учун чинакамига мазмундор, ўсиш ва юксалиш йиллари бўлди. Кимсасиз даштлик ўрнида замонавий шаҳарча бунёд этилди. Бу ердаги ўринлар сони элликтадан саккиз юзтага етди, курсовка билан даволанувчилар уч юз кишидан ошиб кетди. Ҳозир санаторийда ўттизга яқин врач ва ўрта малакали медицина ходими, уч юздан зиёд турли касбдаги кишилар хизмат қилянти.

Беморларни даволашда медицина фани ва техникасининг энг янги ютуқларидан фойдаланилмоқда. Бу ерда минерал сувдан ташқари уйқу келтириш аппарати ёрдамида, ультратовуш, профессор Е. А. Чернлевский усулида қуёш нурлари ва тўрт камерали минерал сувли электрванна ҳамда сув босими билан даволаш йўлга қўйилган. Яқин кунларда сув ости массажи ишга тушади.

Даволанувчилар учун маданий-маиший хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. 1969 йилда маданий-маиший комбинат ишга туширилган бўлиб, унда тикувчилик, фотография, этикдўзлик, сартаросчилик бўйича хизмат кўрсатиляпти. Темир йўл ва аэрофлот хизматидан фойдаланувчилар учун касса очиб қўйилган. Озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, икки жойда чойхона, гравюра устахоналари, ресторан ишлаб турибди.

Чортоқ бутун бир гуллар шаҳарчасига айлантирилган. Санаторий территориясида хонаки атиргул, уч фасл қулф уриб очиладиган «президент» навларидан тортиб, 37 турдаги гул ва садарайхонларни, хилма-хил манзарали дарахтларни учратиш мумкин.

Санаторий коллективининг даволаш ва беморларга медицина хизмати кўрсатиш соҳасидаги ибратли ишлари ўз вақтида тақдирланиб борилянти. Улар ана шу борадаги фидокорона меҳнатлари эвазига кейинги икки йил ичида республика курорт ва санаторийларининг коллективлари ўртасида биринчи бўлиб, ВЦСПСнинг учинчи даражали дипломи ва пул мукофоти билан ҳамда Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан тақдирландилар.

Ҳозир бу даволаш масканида бир йилда 13 мингдан зиёд киши ўз дардига шифо топянти. Келгусида санаторийдаги ўринлар сонини янада кенгайтириб, курсовка билан келувчилар сонини ошириш, даволанувчилар учун хизмат кўрсатишни тағин ҳам яхшилаш тадбирлари белгиланяпти. Медицина ходимлари ва ишчи-хизматчиларнинг бутун интилиши санаторийнинг Ғафур Ғулом айтганидек:

Ҳаёт булоғини ҳар ким
қилса ёд,
Чортоқ қайнарига босади
қадам.
Қирқ йиллик қийналиш бир
дамда барбод,
Ҳаётда ҳар ишдан соғлиқ
муқаддам.

деган таърифга муносиб бўлишга қаратилган.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.20 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Қўғирчоқ фильм. 10.10 — **Сеҳрли олма** (телеспектакль). 11.00 — МОСКВА 11.05 — Янгиликлар. 11.20 — Мультфильмлар. 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Музикали киоска. 13.10 — Бугун — Қурувчилар куни. 13.25 — Музикали программа. 13.55 — Адабий кўрсатув. 14.40 — Қишлоқ янгиликлари. 15.40 — **Чернушка** (киноновелла). 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Мультфильм. 17.20 — «Калокольчик» клуби. 17.50 — Ахборот. 18.00 — Бугун — Қурувчилар куни. 18.20 — **Телеминиатюралар** (такрорий кўрсатув). 19.00 — **Футбол: «ПАХТАКОР» — «ДНЕПР».** 21.00 — МОСКВА. **Футбол: «ЗАРЯ» «ДИНАМО»** (Москва). 22.45 — «Вақт». 23.15 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Фильм-концерт. 11.30 — «Замандас» 12.20 — Бадиий фильм. 17.00 — МОСКВА. 17.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 18.30 — Концерт. 19.50 — Телефильм. 21.00 — ТОШКЕНТ. «Ноғнеъмат бунёдкори». 21.30 — Қурувчилар учун концерт. 22.10 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — **Кўприкдаги одамлар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

13 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.05— МОСКВА. 17.10 — Янгиликлар. 17.20 — Бадиий фильм. 18.00 — «Костёр». 18.30— ТОШКЕНТ. 18.35 — Биз мактабга борамиз. 19.05— Телетеатр. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Туманйин — дўстлик қурилиши. 20.25 — Ахборот. 20.45 — **Юрак сирлари** (телекомедия). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Далалардан дараклар. 22.50 — Комедиянинг давоми. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.15 — Телефильм. 11.30 — Бадиий фильм. 13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар. 13.15 — Мультфильмлар. 13.40 — Концерт. 14.25 — Касб ҳақида ҳикоялар. 14.55 — **Қуёш барчага баробар** (бадиий фильм). 16.25 — Социализм ва тинчлик ажралмасдир. 16.55 — Фан-қишлоқ хўжалигига. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Калининград области Ватанга рапорт беради. 20.20 — Телефильм. 21.30— Жаҳон халқлари ижоди. 22.00 — Металлом — давлатга (Тошкент). 22.30 — Балли, қизлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ. 22.00 — ТОШКЕНТ. **Яшашдан мақсад** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эрамиздан миллион йил илгари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ҳалқа (10.00, 11.40), **Филлар — менинг дўстларим** (13.40, 17.00, 20.00): — НАВОИЙ номли.

Парад, алле! — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 11.30, 13.00).

Тош юракли кишининг ўғиллари — «ЎЗБЕКИСТОН» (15.00, 18.00, 21.00).

Уз хоҳиши билан — «КОМСОМО 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун) «ДРУЖБА» (17.00, 18.00, 19.00, 21.00).

Дунё (11.00, 14.00), **Уч мушкетёр** (17.00, 20.30): — «КЎКЧА».

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VIII да **Бой ила хизматчи.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

Абу Райхон Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланади

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Узбекистон халқ шоири УЙҒУН.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

(2 пардали драма)

Саҳнага қўювчи режиссёр. лар — СССР халқ артисти, СССР давлат ва Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофотлари лауреати О. ХУЖАЕВ ва Б. ЙЎЛДОШЕВ.

Режиссёр ассистентлари — М. АЗИМОВ, Е. САЪДИЕВ.

Рассом — Г. БРИМ.

СПЕКТАКЛДА: Узбекистон ССР халқ артистлари З. МУХАМАДЖОНОВ, Х. НАРИМОНОВ, Ж. ТОЖИЕВ, М. УМАРХУЖАЕВ, О. ҲАСАНОВ;

Узбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Р. ИБРОҲИМОВА, С. НОРБОЕВА, Т. АЗИЗОВ, Е. АҲМЕДОВ, М. ОРИПОВ, Т. ХОНТУРАЕВ, Х. ЮНУСОВ, О. ЮНУСОВ, Р. ЕҚУБОВ ва бошқалар қатнашадилар.

30-САРИОҒОЧ ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1973-1974 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги тракторчи-машинист (ҳаваскор шофер малакаси ҳам берилади), тракторлар, комбайнлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилувчи слесарь, дурадгор — ўқиш муддати 2 йил; III класс тракторчи-машинисти, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича машинист, қишлоқ электромонтери, слесарь малакаси билан III синф шофери, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, боғбон — ўқиш муддати бир йил.

10-11 синфни тугатганлар ва Совет Армияси сафидан демобилизация қилинганлар учун 8 ойлик қисқа муддатли курслар ташкил этилади.

Икки йиллик курсларга ёши 15 ва ундан катта бўлган, 8 синф ҳажмида маълумотлилар, бир йиллик курсларга ёши 16 ва ундан катта бўлган, 7 синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юрти қошида кечки мактаб бор. Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, Ўрта мактабни тугатганларга иста-салар овқат ва кийим-кечак ўрнига стипендия тўланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатганлар техникумларга юборилядилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур: директор номига ёзилган ариза, қисқача таржимаи ҳол, турар-жойидан, оилавий аҳволи тўғрисидаги справкалар, кейинги иш (ўқиш) жойидан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт ҳамда маълумоти тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Сарноғоч шаҳри.

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

1, 7, 8, 29, 38, 46

КРАСНОЯРСК шаҳрида 10 августда ўтказилган «СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида юқоридаги рақамларга ютуқ чиқди.

«СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражи НОВОКУЗНЕЦК шаҳрида 20 августда ўтказилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
№ 189. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01679.